

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқи асосида
УДК: В2019.3.PHD/Iqt1109

ЯКУБОВА САИДА АНВАРЖОНОВНА

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

“08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н, доцент З.А. Холмахмадов

Тошкент – 2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	13
1.1. Валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....	13
1.2. Валюта рискинни бошқаришнинг назарий асослари.....	23
1.3. Валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти.....	33
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	45
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ.....	50
2.1. Валюта операцияларини амалга оширишнинг меъёрий- ҳуқуқий асослари.....	50
2.2. Валюта операцияларининг таркиби ва динамикаси.....	61
2.3. Ўзбекистон республика валюта биржаси (ЎзРВБ) фаолиятининг замонавий ҳолати.....	69
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	76
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	80
3.1. Валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.....	80
3.2. Валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш йўллари.....	91
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	104
ХУЛОСА.....	107
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	114

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг валюта маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда тижорат банклари ва компанияларининг валюта рискларини бошқариш тизимининг самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, АҚШнинг Банк оф Америка банкида 2022 йилда 2021 йилга нисбатан валютавий своп операцияларининг ҳажми 6,3 фоизга ошгани ҳолда, спот, форвард ва фьючерс операцияларининг ҳажми 1,8 фоизга ошди¹. Германиянинг Дойче банкида валюта операцияларидан олинган даромадларнинг комисион даромадларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 0,3 фоизли пунктга ошди². Бу эса, валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш заруриятини юзага келтиради.

Жаҳон амалиётида спот операцияларини хеджирлаш механизмини такомиллаштириш, валюта операцияларининг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, валюта захираларини диверсификация қилиш самарадорлигини ошириш, валюта бозорида хорижий валюталарга талаб билан хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар бўйича юзага келадиган очиқ валюта позицияларини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, етакчи валюталарнинг номинал алмашув курсларининг волатиллик даражасини юқори эканлиги, жаҳон молия

1 Derivative Balances Bank of America. Annual Report 2022//www.bankofamerica.com

2 Deutsche Bank. Annual Reports (www.db.com)

бозорларидаги салбий трендларнинг валюта операцияларини амалга ошириш механизмларига салбий таъсир этаётганлиги, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш масаласини долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда “Юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш”³, “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда валютавий фьючерс операцияларини жорий этиш, валютавий спот бозорида Марказий контрагент тизимини жорий этиш орқали савдо жараёни иштирокчилари ўртасидаги рискларни минималлаштириш ва ликвидликни ошириш масалаларига қаратилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони. Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 945-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5811/3691-сон; 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.